

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлиқ:	Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» Акциядорлик тижорат банки					
	Қисқартирилган:	«Hamkorbank» АТБ					
	Биржа тикерининг номи:*	НМКВ					
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган ери:	Андижон вилояти, Андижон шаҳари, Бобур шох кўчаси, 85 уй					
	Почта манзили:	170119, Андижон вилояти, Андижон шаҳари, Бобур шох кўчаси, 85 уй					
	Электрон почта манзили:*	muloqot@hamkorbank.uz					
	Расмий веб-сайти:*	www.hamkorbank.uz					
МУҲИМ ФАКТ ТУҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами:	06					
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
	Умумий йиғилиш тури:	йиллик					
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	20.05.2017					
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	29.05.2017					
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Андижон шаҳари, Бобур шох кўчаси, 53 уй «Hamkor» бизнес маркази					
	Умумий йиғилиш кворуми:	92,30%					
		Овоз бериш яқунлари					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Ўқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	Сони	%	сони	%	сони
1.	Банк Бошқарувининг 2016 йил Банк фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи.	99,978	460 901 563	0	0	0,022	100 000
2.	Банк Кенгашининг 2016 йил фаолияти бўйича ҳисоботи	99,978	460 901 563	0	0	0,022	100 000
3.	Банкнинг 2016 йил фаолияти бўйича Банк Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тинглаш	99,946	460 751 619	0	0	0,054	249 944
4.	Банкнинг 2016 йил фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудитор ҳулосасини эшитиш, Банкнинг 2016 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш	83,406	384 501 563	0	0	16,594	76 500 000
5.	2016 йил фаолияти якуни бўйича банк фойдасини тақсимлаш	99,696	459 598 282	0,087	403 281	0,217	1 000 000
6.	2016 йил фаолияти якуни бўйича Банк акцияларига дивидендлар тўлаш	98,722	455 111 282	0,625	2 883 281	0,651	3 000 000
7.	Эълон қилинган акциялар миқдорини ошириш	99,944	460 741 226	0,056	260 337	0	0
8.	Банк уставига ўзгартиришлар киритиш	99,922	460 641 226	0,055	253 337	0,023	107 000
9.	Янги тахрирдаги Банк Корпоратив бошқарув кодексини тасдиқлаш	66,790	307 901 563	33,189	153 000 000	0,022	100 000
10.	Банкнинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш	100,00	461 001 563	0	0	0	0
11.	Банкнинг ташкилий тузилмасини	100,00	461 001 563	0	0	0	0

	тасдиқлаш						
12.	Умидсиз активларни ҳисобдан чиқариш	100,00	461 001 563	0	0	0	0
13.	Ҳисобланган, лекин белгиланган муддатда (3 йилдан ортиқ) талаб қилиб олинмаган дивидендларни банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига қайтариш	99,997	460 988 563	0,003	13 000	0	0
14.	Банк Тафтиш комиссиясининг таркибини сайлаш	83,384	384 401 563	0	0	16,616	76 600 000
16.	Банк Кенгашининг 2017 йил учун ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш	99,978	460 901 563	0	0	0,022	100 000
17.	Банк Тафтиш комиссиясининг 2017 йил учун ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш	99,977	460 894 563	0,002	7 000	0,022	100 000
18.	Банк Бошқарув Раисини сайлаш	99,978	460 901 563	0	0	0,022	100 000
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	<p>1. Банкнинг 2016 йил фаолияти яқунлари тўғрисидаги банк Бошқаруви ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>2. Банк Бошқаруви:</p> <p>а) 2017 йил учун белгиланган бизнес режадан келиб чиқиб, банк фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда белгиланган асосий кўрсаткич ва параметрларни бажарилишини таъминлаш;</p> <p>б) банк кредит портфелининг доимий диверсификациясини амалга ошириш мақсадида кичик ва микрокредитлаш доирасини кенгайтириш;</p> <p>с) банк капитали монандлигини таъминлаш, унинг ресурс базасини, жумладан валюта позициясини мустаҳкамлаш, амалдаги иқтисодий меъёрларга амал қилиш;</p> <p>д) чакана бизнес йўналишидаги банк хизматлари даромадлигини янада ошириш;</p> <p>е) рискларни аниқлаш, бошқариш ҳамда уларни олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш ва доимий тарзда қўллаш;</p> <p>ф) банк хизматларини янги технологиялар, жумладан масофадан хизмат кўрсатиш тизими ёрдамида сифатли ва тезкорлигини таъминлаш;</p> <p>г) банк филиаллари ва барча инфратузилмалари томонидан миқозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий стандартларига риоя этилишини кенг татбиқ этиш;</p> <p>ҳ) банк тузилмаларини бошқаришда жаҳон амалиётида қўлланилаётган самарали услубларни қўллаш;</p> <p>и) банк ходимларини бошқаришнинг янги тизимларини амалиётга жорий қилиш;</p> <p>ж) банк информацион технологияларини ва уларни бошқариш тизимини янги босқичга кўтариш каби устувор вазифаларни бажарилиши устида ишлаш топширилсин.</p>						
2.	<p>1. Банк Кенгашининг Ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>2. Банк Кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.</p>						
3.	<p>1. «Hamkorbank» АТБ Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>2. «Hamkorbank» АТБ Тафтиш комиссиясининг 2016 йил давомидаги фаолияти қониқарли деб баҳолансин.</p>						
4.	<p>1. Банкнинг 2016 йил яқунлари бўйича "Pricewaterhousecoopers" халқаро аудиторлик компаниясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин</p> <p>2. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банкининг 2016 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботлари тасдиқлансин.</p>						
5.	<p>1. Банк томонидан 2016 йил фаолият натижалари бўйича молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан тасдиқланган 106 141 229 000 сўм миқдордаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:</p> <p>➢ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 06 июлида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 2693-сонли Низомга асосан 47,0 млрд. сўм (47 066 387 448,95) Умумий Заҳира фондига ажратилсин. Унинг 16,0 млрд. сўми(16 015 334 181,15) «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун</p>						

	<p>заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» ги Низомга асосан стандарт активларга заҳира сифатида ажратилсин.</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Банкнинг Имтиёзли Кредитлаш фондига 800 000 000 (Саккиз юз миллион) сўм маблағ ажратилсин. ➤ Банкнинг истиқболдаги ривожланиш режаларини ҳисобга олган ҳолда фойданинг қолган қисми тақсимланмаган фойда ҳисобида тақсимланмасдан қолдирилсин.
6.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банк Молия Департаменти директорининг 2016 йил якунлари буйича дивидендлар тўламаслик тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. 2. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги масалани банк Акциядорларининг кейинги Умумий йиғилишида кўриш чиқиш учун қолдирилсин.
7.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банк томонидан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи Банк Акциядорларини келгуси Умумий йиғилишига қадар қолдирилсин.
8.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки Уставига киритилаётган ўзгартиришлар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Банк Уставига киритилаётган ўзгартиришлар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин.
9.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банк Корпоратив бошқаруви Кодексининг янги лойиҳаси тайёрланганлиги тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин. 2. Банк Корпоратив бошқарув Кодекси 6-иловага асосан тасдиқлансин. 3. Қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилишини таъминлаш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.
10.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банк томонидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ривожлантириш Стратегияси лойиҳаси юзасидан ахборот маълумот учун қабул қилинсин. 2. Банкнинг Ривожланиш Стратегияси юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, қайта ишлаш учун қайтарилсин. 3. Банкнинг Ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш Банк Акциядорларининг кейинги Умумий йиғилишига қолдирилсин.
11.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банкнинг ташкилий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Банк Бошқаруви ўз фаолиятини тасдиқланган янги ташкилий тузилмадан келиб чиқиб, самарали ташкил этиш юзасидан аниқ чораларни кўрсин.
12.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банкининг балансдан ташқари ҳисобидаги "Умидсиз активлари" 8-иловага мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин.
13.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банкнинг барча филиаларида ҳисобланган, лекин эгаси ёки қонуний вориси томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган дивидендлар 9-иловага мувофиқ Банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига қайтарилсин.
14.	<p>Тафтиш комиссияси аъзолари этиб қуйидагилар сайлансин:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. <i>Расулов Маруф Хамидович</i> 2. <i>Баймуратова Минавархон Исмаиловна</i> 3. <i>Зоҳидов Ойбек Хамидович</i> 4. <i>Алимова Нейла Наримановна</i> 5. <i>Самиев Сатволди Хакимович</i>
15.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзолари этиб қуйидагилар сайлансин: <ol style="list-style-type: none"> 1) <i>Ибрагимов Икрам Ибрагимович</i> 2) <i>Хамидулин Михаил Борисович</i> 3) <i>Солиев Нусратилла Лутпуллаевич</i> 4) <i>Абдрашитов Закир Нурахматович</i> 5) <i>Тошматов Шухрат Омонович</i> 6) <i>Косимов Мавлон Абдуллахошимович</i> 7) <i>Вернер Клаес (Werner Claes)</i> 8) <i>Ишонкулов Илхом Рахматович</i> 9) <i>Жураев Шокир Жумаевич</i>
16.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Банк Кенгашининг 2017 йил учун харажатлар Сметаси 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин

ва харажатларни Сметага асосан амалга оширишга рухсат берилсин.					
17.	1. Банк Тафтиш комиссиясининг 2017 йил учун харажатлар Сметаси 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва харажатларни мазкур Смета доирасида амалга оширишга рухсат берилсин.				
18.	1. Кадиров Назиржон Абдурахманович - Банк Бошқаруви Раиси лавозимига сайласин. 2. Банк Кенгашига Банк Бошқаруви Раиси лавозимига сайланган Кадиров Назиржон Абдурахманович билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузишга розилик берилсин. 3. Банк Бошқаруви Раиси Кадиров Назиржон Абдурахманович билан меҳнат шартномаси имзолаш ваколоти банк Кенгаши Раисига берилсин.				
Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:					
Номзодлар тўғрисида маълумот					
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар		Овозлар сони
			сон	тури	
1.	Ибрагимов Икрам Ибрагимович	«Hamkorbank» АТБ	Оддий акциялар Имтиёзли акциялар	100 987 408 6 350 913	668 562 973
2.	Хамидулин Михаил Борисович	Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали	0	0	427 777 283
3.	Абдрашитов Закир Нурахматович	Microfinance Consulting LLC	0	0	427 682 061
4.	Werner Claes (Вернер Клайс)	International Financial Consulting Ltd	0	0	427 674 061
5.	Солиев Нусратилла Лутпуллаевич	ОНК ООО FAIR TAX	0	0	427 663 286
6.	Касимов Мавлон Абдуллахашимович	"Asaka Investment" Бошқарув компанияси	0	0	427 694 786
7.	Тошматов Шухрат Амонович	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси	0	0	427 694 786
8.	Жураев Шокир Жумаевич	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси маслахатчиси	0	0	427 694 786
9.	Ишонкулов Илхом Рахматович	"Узагросургурта" АЖ Бошқарувининг Юридик департаменти бошлиги	0	0	427 794 786
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни**			Илова қилинади		

Банк Бошқаруви Раиси
Кадиров Назиржан Абдурахманович:

Бош бухгалтер
Иргашев Нодирбек Рустамович:

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахс
Турдияхунов Санжарбек Набиевич:

**Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки
уставига киритилган ўзгартиришлар**

1. Банк уставининг 1.9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, 170119, Бобур шох кўчаси-85 уй. Электрон почта манзили: muloqot@hamkorbank.uz. Банк расмий веб-сайти: www.hamkorbank.uz

2. 5.9. бандида “Компания” сўзи “Банк” сўзи билан алмаштирилсин

3. Банк устави 6.1. банди б) бўлимидаги депозитарийдаги сўзи олиб ташлансин

4. Банк уставининг 6.4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

5. Банк уставининг 11.22-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Банк кенгаши қошида тегишли масалалар, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича Банк кенгаши аъзоларидан иборат қўмиталар ташкил этилади. Ушбу қўмиталар ўз фаолиятида Банк бошқаруви аъзолари, банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)ни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлари ташкил этишга ҳақлидир.